

ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТ ВАШАХАР КОМИТЕТЛАРИ,
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТ ВА ШАХАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

7-ИЛ ЧИКИШИ
№ 182 (1702)
13
СЕНТЯБРЬ
СЕШАНБА
1960 ЙИЛ
БАҲОСИ
20 ТИНИН.

КОММУНИСТЧАСИГА

яшаш ва ишлашга

ўрганайлик

Бизнинг улуг Советлар Ватанидаги инсоннинг қадри-қиммати олий даражага кўтарилган. Энг ҳурматли ва азиз, энг қимматли ва гўзал капитал инсондир. Совет кишилари ўзларининг жамиятда туғган ўринларини, турмуш-шароитини, маънавий қиёбаларини билан буржуазия жамиятидаги энг юқори мавқабни чиниқидан юқори турлади.

Ҳаётчан совет ижтимоий ва давлат тузуми меҳнат аҳлига ўз ижодий қobiliятини ва талантини кенг юзата чиқариш учун инқилобни имкониятлар очиб берди. Совет мамлакатига меҳнат чинакларини шундан қўйиб, кишилар ўзларининг ҳалол меҳнатлари билан жамиятимизда исбат ва ҳурмат қозонишди, фаровон ҳаёт кечираётганлар.

«Ўроқлар, сизлар ахши замона яшаб турибсиз», — деди Н. С. Хрушчев ВЛКСМ XIII съездида сўзлаган нутқида. — бундай ажойиб замона инсониятнинг бутун тарихига ёшларнинг ҳеч бир авлоди кўрмаган эди десам бўлади. Бизнинг замонамизда Совет Иттифоқидаги, Хитой Халқ Республикасидаги ва бошқа социалистик мамлакатлардаги революцион ўзгаришлар жараёнида туртилан миллион-миллион меҳнат қияларини улуг ишларни ижод қилмоқдалар, турмушнинг ўзгаришмоқдалар, эскиликни емирмоқдалар. Халқнинг бахт-саодати учун янгилик яратмоқдалар. Бундай замонада яшаш ва меҳнат қилишдан кўра каттароқ бахт бўлмайди».

Меҳнат — бизнинг Совет Ватанимизда инсонга чинакам бахт-истибол бериладиган. Меҳнат билан бутун мамлакат таъинланган кишилар омунасини, ахши!

Бутун мамлакатимизда машҳур бўлган донгдор механизатор Турсунов Охуновани ким танимайди дейсан! Унинг номи шорлар шерида илҳом бўлди. Унинг меҳнати ёшлар учун намуна. Шонли механизаторлар Валентин Тюпко, Мелиқўли Умурзоков, машҳур сўт Соғуқ Зухра Комилова, жўхориқор Ли Любова, донгдор шахтер Хўна Аликулов, йигиртувчи Марҳамат Илдошев, талантили шояра Зулфия, раққоса Галия Измайлова ва минг-миглаб талафот эгаларини ким ҳурмат қилмайди! Булар коммунизм кураётган талантили халқимизнинг ажойиб вақиллари.

Коммунистик меҳнат бригадалари ва зарбдорлари ўзларининг фидокорона меҳнатлари билан коммунистчасига ишлашнинг юксак намуналарини кўрсатдилар. Улар яқин келажак — коммунизм пионерлари. Областида бутун-бутун бригада ва цехлар, корхоналар ана шу юксак ном билан етти йиллик вақтасида турли ишлаётди. Чирчиқ меҳнаткашлари бўлса ўз шаҳарларини коммунистик меҳнат шарики деб эълон қилишди. Бепойи мамлакатимизнинг ҳамма жойида юксак коммунистик онглик тимсоли бўлган коммунистик меҳнат бригадалари ва зарбдорларининг шонли меҳнат тароналари баралла йнграмоқда.

Коммунистик партия меҳнатсевар халқимиз учун ҳамма имкониятларини яратиб берган. Халқ бахти-саодати, фаровонлиги ҳақида тинмай ҳамхўрлик қилиш партиянинг учун, ҳукуматимиз учун муқаддас қонундир. Бизда капиталистик мамлакатлардагидек эртаги куннинг ташвиши билан яшайдиган, ишсиз, бошпанасиз, ҳуқуқсиз, оч-яланғоч йўқилар йўқ. Совет конституцияси граждандарга меҳнат қилиш, билим олиш, дам олиш,

қариган ёки меҳнат қobiliятини йўқотган тақдирда моддий ёрдам олиш каби ва бошқа жуда кенг ҳуқуқ ва эркинликлар беради. Завод ва фабрикалар, колхоз, совхоз ва РТСлар меҳнат аҳли учун ижодий меҳнат макони, шон-шухрат ва қаҳрамонлик кўрсатиш майдонидир. Аммо бизнинг гўзал социалистик жамиятимизда ҳалол меҳнатдан қочадиган, бировлар ҳисобига кун кечирадиган, текин-хўрликка ўрганиб қолган баъзибир техникўрлар ҳам топилади. Улар халқ яратётган моддий бойликларини эгри ишлар билан ўзлаштириб, жамият ҳисобига кун кечирадиган, ўғирлик, спекуляция, чайқовчилик, фрибарлик ва бошқа қора ишлар билан шугулланадилар. Бундай кишилар социалистик жамиятимизга тушган доғлар, эски капиталистик тузумнинг сарқитларидир! Бундай сарқитларини бутунлай сўпириб ташлаш вақти етди!

Масалан, Октябрь, Олой колхоз бозорларини олайлик. Бу бозорларда ана шундай бекорчи унсурларни ҳар қанча топа бўлади. Бу ерда колхозчиларнинг мол сотишлари учун махсус қилинган прилавкаларда спекуляцияни касб қилиб олган бекорчилар жойлашиб олганлар. Улар ҳеч қандай ишламайди, жамият учун фойда келтирмайди. Колхозчилар олиб келган мева-салатларни арзон баҳода сотиб олиб, фойдасига пуллайдилар. Бу ҳақда газеталарда бир неча бор таққидий материаллар босилди. Лекин бозор раҳбарлари ҳам, район ижроия комитетлари ҳам, милиция ходимлари ҳам буларга қарши кескин кураш олиб бормаётдилар. Октябрь районидagi чийков бозори бекорчилар, техникўрларнинг кун кечирини манбаига айланиб қолмоқда. Айрим шахслар бўлса колхозлардан, колхозчилардан арзон баҳо-қолларда узум, мева олиб республикамиздан ташқарига олиб бориб, чайнов қилишга ўрганиб олганлар. Бундайларга қарши бутун жамоатчилик газабини қўзғатиш керак.

Социализм жамиятида «ишламаган-ишламаса» деган принцип ҳукмрондир. Партия, совет, касба союз, комсомол ташкилотлари, бутун жамоатчилик жамиятимизга доғ тушираётган, социалистик жамиятимизнинг айна шу принциплари бўйсунмаётган техникўр унсурларга қарши системали равишда кураш олиб боришлари лозим. Саноат корхоналари ва кўришилларда, колхоз ва совхозларда, ҳар бир маҳалла ва коммунал уй бошқармаларида ҳеч қандай ишламаган кун кечирувчиларга, техникўрларга қарши умумжамоатчилик ёрдамида курашни, узарини аёвсиз фойда этиш керак.

Ўзбекистон ССР Олий Совети техникўр унсурларга қарши кураш чоралари ҳақида махсус Қонун қабул қилган эди. Лекин баъзибир совет ва жамоат ташкилотлари, маҳалла комсомоллари, уй бошқармалари ана шу Қонунни амалга ошириш юзасидан тегишли иш олиб бормаётдилар. Бекорчилар, техникўрлар, чайқовчиларга қарши курашмаётдилар.

Вазифа — бутун жамоатчилик ёрдамида совет жамиятимизнинг олга, коммунизмга томон ривожланишига ҳалақат бераётган ана шу техникўр унсурларга қарши систематик равишда кураш олиб боришдан, сиёсий-тарбиявий ишларни қўзғатиш, уларни ижтимоий-фойдал меҳнатга кенг бағишдан иборат.

Коммунизм қурилишининг олдинги сафарида бўлайлик, коммунистчасига яшаш ва ишлашга ўрганайлик!

Мўғулистон Хукумат делегацияси Москвадан жўнаб кетди

Мўғулистон Халқ Республикаси Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Д. Моломжамин бошчилигидаги Мўғулистон Халқ Республикасининг хукумат делегацияси 10 сентябрда Москвадан ватанига жўнаб кетди.

Делегация Москвада Мўғулистон Халқ Республикаси халқ ҳўжалигини ривожлантириш учинчи беш йиллик плани лойиҳаси юзасидан маслаҳатлашди ҳамда иқтисодий маъсалалар юзасидан музокаралар олиб борди. (ТАСС).

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советидан

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети СССР Олий Советининг депутатлари, СССР Ёзувчилар союз правленсининг секретари, атоқли совет ёзувчиси Федор Иванович Пафёровнинг оғир ва узоқ давом этган касаллигидан кейин 10 сентябрда вафот этганини қайғу билан билдиради.

САФАР МУВАФФАҚИЯТЛИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

«БАЛТИКА» ТУРБОЭЛЕКТРОХОДИНИНГ БОРТИ, 10 сентябрь. СССР Министрлар Совети раиси ҳузуридаги матбуот группаси хабар қилади: Нью-Йоркка БМТ Ассамблеясининг Бош сессиясига кетаётган Совет Иттифоқи, Украина ССР, Белоруссия ССР, Венгрия Халқ Республикаси, Руминия Халқ Республикаси ва Болгария Халқ Республикасининг делегациялари тушган турбоэлектрроход соат 13 да Дания ва Швеция қирғоқлари ёнидаги Зунд бўғозидан ўтди. «Балтика» бортидан Н. С. Хрушчев Швеция бош министри Т. Эрландер жанобларига, Дания бош министри В. Кампманн жанобларига ва Норвегия бош министри Э. Герхардсен жанобларига телеграммалар юборди. Бу телеграммаларда Н. С. Хрушчев қирғоқлари ёнидан «Балтика» ўтиб кетаётган Швеция, Дания ва Норвегия бош министрларига ва халқларига муваффақият, тинчлик ва бахт-саодат тилади.

«Балтика»да амалий иш вазияти ҳукм сурмоқда. Н. С. Хрушчев, Н. В. Подгорний, К. Т. Мазуров, А. А. Громико жорий ишлар билан шугулланмоқдалар. Бош Ассамблеянинг бўлажак сессияси масалаларини муҳокама қилмоқдалар. Я. Кадар, Г. Георгиу-Деж ва Т. Живков ўроқлар бошланг Венгрия, Руминия ва Болгария делегациялари ҳам иш билан машғулдилар.

Бутун денгиз тинч. Қўёш чиқиб турибди. Кеча кечкурун Балтий-жада қизгин узатишдан кейин, турбоэлектрроход салонидagi кечки овқат вақтида делегациялар болгариялик ўроқларини миллий байрам билан — овозлик кўни, Болгарияда революция галабаси кўни билан табрикладилар.

Қизил Байроқли Балтиқ флотини кемалари эскорт қилиб бораётган «Балтика» турбоэлектрроходи Каттегат бўғозига кирди.

„Балтика“ Ла Манш бўғозига яқинлашиб қолди

«БАЛТИКА» ТУРБОЭЛЕКТРОХОДИНИНГ БОРТИ, 11 сентябрь. СССР Министрлар Совети Раиси ҳузуридаги матбуот группаси хабар беради:

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси XV сессиясида қатнашувчи совет делегациясининг бошлиғи Н. С. Хрушчев, шунингдек Я. Кадар, Г. Георгиу-Деж, Т. Живков, Н. В. Подгорний ва К. Т. Мазуров ўроқлар бошчилигидаги Венгрия, Руминия, Болгария, Украина ва Белоруссия делегациялари тушган «Балтика» турбоэлектрроходи қарийб икки кечаю-кундуз денгизда сузмоқда. «Балтика» кечга томон Ла Манш кўрфазига кириб боради. Турбоэлектрроход шу вақтгача 850 милага яқин масофани босиб ўтди.

«Балтика» бортида ишлар қизиб кетган. Н. С. Хрушчев одатдигидек ҳўжатлар устида ишламoқда, ахборотларини ўқимoқда, совет мамлакатидagi ҳаёт тўғрисида, чет эллардаги энг муҳим воқеалар ҳақида радио хабарларини эшитмоқда. Совет спортчиларининг Римда ўтказилган Олимпиада ўйинларидa эришган жуда катта муваффақиятлари ҳақида, халқ демократияси мамлакатлари спортчиларининг муваффақиятлари ҳақидаги хушхабарлар қоралбада зўр самиятда билан кутиб олиниди. Н. С. Хрушчев спортчиларимизнинг жуда катта муваффақиятларига юксак баҳо берди. Олимпиада ўйинлари ахши вазиятда ўтди ва барча мамлакатларнинг халқлари ўртасида ишонч, ҳамжиҳатлик ва дўстликни мустаҳкамлашга, шубҳасиз, ёрдам берди. Бизнинг спортчиларимиз совет кишиларининг умидларини оқладилар. Бу аса, жуда ёқимлидир, — деди Никита Сергеевич.

«Балтика» радиостанцияси Дания бош министри В. Кампманн ва Норвегия бош министри Э. Герхардсеннинг Н. С. Хрушчевга юборган жавоб телеграммаларини қабул қилди. Кампманн жаноблари ўз телеграммасида Н. С. Хрушчевга унинг табриги учун ташаккур изҳор қилди. Телеграммада бундай дейилади: Яхши истакларингизни гоёт қадрлайман ва худди шундай истаклар билан Сизга самийий жавоб қайтараман. Норвегия бош министри Герхардсен жаноблари ўз жавобига СССР Министрлар Советининг Раисига ташаккур изҳор қилди. Мен, — дейилади телеграммада, — Сизга ахши истакларимни изҳор қиламан ва шу фурсатдан фойдаланиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси навбатдаги сессиясининг иши энг муҳим проблемани ҳал этишга ҳақиқатан ҳам ҳисса қўшади ва шу тариқа халқлар миқёсда ҳамжиҳатлик бўлишига, умумий тинчликка ёрдам беради, деб сидқидил билан қилаётган умидимни маълум қиламан.

Н. С. Хрушчев ва Болгария, Венгрия, Руминия делегацияларининг бошлиқлари номига ёзилган жуда кўп телеграммалар қорабл бортига келиб турибди. Совет кишилари, чет мамлакатларнинг граждандари Бош Ассамблеянинг XV сессиясига бораётган СССР делегацияси ва бошқа делегацияларнинг гоёт муҳим иши энг катта муваффақиятларга қўзғонишларини истайдилар. «Балтика» Шимолий денгиз бўйлаб йўлини таъмоламоқда. Қўёш ўз нурини сочмоқда, денгизда осойишталик, ҳаро очик.

Бутун куч йиғим-теримни авж олдиришга сафарбар этилсин!



Ўрта Чирчиқ районидagi Свердлов номли колхозда пахта йиғим-терими кундан-кунга авж олмақда. Суратда: колхознинг кўп минг килограммчи теримчиларидан ўроқ Шарофат Турсунова, Ў. эл хирмонига ҳар кўни 150—180 килограммдан «оқ олтин» териб топиримоқда. Г. Пун фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

ПОЛВОННИНГ АҲДИ МАҲКАМ

... Шундай қилиб, ўтган йили Полвон бошлиқ бўлган бригада тўқсон саккизда қолиб кетса бўладими?! Иллик ҳисобот мажлисида Полвон бошини қўйиб солиб ўтирди, кўпчиликка қарай олмайди. Ёқинга нотижат гап орасида Полвонни ҳам «чимчилаб» ўтдилар. Раиснинг охириги сўзидан олдин Полвон ҳам аста қўл кўтариб, гап сўради. Ўтган йили «айб» ни меҳнат билан оқламагунча, сира ҳам қўнгли тинчмаслигини, бу йил қийин ушчаларга — қирдаги ерга юборишларини илтимос қилди. Шу қисқа, лекин қалбдан чиққан сўзларини айтиб бўлгунча унинг юзларидан тер қийилди, анорд қизариб кетди.

Қўнгли Полвоннинг илтимосини ерда қолдирмади, унга колхознинг ери участкасидаги йирик бригадасига бошлиқ бўлиб, ватандаси вафод қилишни топириди.

... Катта ҳовуз атрофига қалин ўтқазилган тоғлар серсоя. Ошпаз Зигега опа қозонда қайнатган маставани тўғим билан яна бир қўзаб қўйди-да, сув сепилган ҳовуз бўйини тоғтоза қилиб сундири, намат ва шолчаларни ёди. Ҳамма нараса тахт бўлган, тушми овқатга занг урди. Ҳа демай, дала шийони — ҳовузи парварин қилишда гайрат бузи бўйи куч-гайратлари жўш ўрган

йиғит-қизларга, суғи меҳнат билан қотган кексаларга тўди. Ҳамманинг юзида меҳнат завқи, меҳнат шодлиги! Шу вақт мотоциклини турлилатиб бир йиғит келиб қолди. Тўла гавдали, елкалари паҳлавонларникидай кенг қорадан келган, пешонасини қийиқча билан боғлаб олган бу йиғит шу бригаданинг бошлиғи Сотини эртасев эди.

— Хой, Полвон, укам, ҳосил ишонаси, муборак, — ҳаммадан олдин бригадирнинг чеккасидаги лўппи пахтани кўрган Маматқул ака Бердиқулов гап қотди.

— Раҳмат, оға, — арқақлар ёнига келиб чордона қурган Сотини бошлиқ Полвон Эрташев бошлиқ 9-бригадасининг азамат пахтакорларини ёз бўйи 190 гектар майдондаги ғўзани парварин қилишда гайрат билан ишладилар.

Насиб Бекиров бригадасида

Шинам қилиб безатишган дала шийонини. Ҳамма бирин-кетин тушми овқатланишга чиқди. Бригадир Насиб ҳам шу ерда. У элдинга ўтириб, овқатланмоқчи эди ҳамки, ҳўв париги картада тракторнинг овози эшитилди. Ким экан у, тушми овқатга ишнинг давом эттириётган, қўнғилдан ўтказди. Сўнгга ўша томонга йўл олди.

Насиб бу ерга етиб бораганида боғи тракторчи агрегатида карта охирилатиб тўхтади.

— Хорма, Маматмуса, — деди бригадир меҳрибонлик билан, — кун жуда исб кетди, энди ишни йиғитирисанг ҳам бўлади.

— Ана шу картада озгина жой қолди, шунинг тугатиб, тушликка чиқмасам, қўнғил ўрнига тушмайди. Бу азамат универсалчилар ким дейсизми. Мана улар: М. Зайниев, С. Раимов ва Х. Ҳакимов ўроқлар. Улар гўза қатор орадарига сўнгги марта култивация беришни ҳам гоёт сифатли бажармоқдалар. Ком-

мунистик меҳнат бригадаси деган шарафли номга яраша меҳнат қилмоқдалар.

Бригада бу йил 200 гектар ерининг ҳар гектаридан кам деганда 35 центнердан ҳосил топиришга аҳд қилган. Шу кунгача гўза беш марта узунасига ва қўндалангига култивация қилинди, тўрт марта озьтқазилди. Фидокорона меҳнатнинг медаллари кишини қўнғиллади. Ҳар туғ гўзада 13—15 тадан бўлатиб кўсақ бор.

— Бир центнер пахтанинг таннарини 85 сўмдан оширмаймиз, — дейди Насиб Бекиров, — бунинг учун пахтанинг асосий қисmini машинада терамиз. Мен ўзим ХВС-1,2 агрегатида 250 тонна пахта теришга сўз бергаман. Бригадамизда ҳаммаси бўлиб 3 та терим машинаси ишлайди. Бу машиналар мавсумга тахт қилиб қўйилди.

Х. ЗИРИЛЛАЕВ.
2-«Боевут» совхоз.

Сиз қанча силос бостирдингиз?

(12 сентябргача бўлган маълумот, процент ҳисобида)

Районларнинг номи	Мажбуриятнинг бажарилиши	Районларнинг номи	Мажбуриятнинг бажарилиши
Юқори Чирчиқ	109,8	Чиноз	65,1
Қуйи Чирчиқ	100,5	Янгйер	65,0
Янгйўл	75,2	Оржоникидзе	64,4
Бектоғлиқ	73,7	Оққўрғон	63,3
Бестобод	73,3	Гўлистон	63,1
Бўна	72,4	Пискент	63,0
Калинин	71,4	Омалик шаҳри	33,2
Ўрта Чирчиқ	71,0		
Оханован шаҳри	70,1	Область бўйича:	73,1
Сирдарё	68,2		

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдумалик ака Шерматов бошлиқ миришкорлар ҳар бир пайкадаги, ҳар бир эгатадаги гўзанинг оби-тобида суғи қонини учун кўни-туғни даладан кетмадилар.

Раҳмат Мамазиев, Одил Иброҳимовлар «пўлат отларини» қия ерлардан ҳам икки томонлама юргизиб турдилар.

Мана энди бригаданинг қайси картасини орасангиз ҳам маржондек тизилган сон-саноқсиз кўсақларнинг қўплари лўппи-лўппи очилиб, далага фойз бахш этганлигини кўрасиз. 60 гектардаги пахта машинада теришга азартланган. Шу картани ёз бўйи парварин қилган механизатор Одил Иброҳимов эндиликда «СХМ-48М» машинасини шайлаб қўйган.

Бригадада терим тараддуи қизган. Пахта хирмони асфальтлаштирилди, сарой ремонтдан чиқарилиди. Арава йўллари, кўприклар тўзатилади.

Бригаданинг азамат аъзолари дастлаб ҳар гектардан 32 центнерни мўлжаллаган бўлсалар, ҳозир «35 дан бир грамм ҳам кам бўлмайди» деб туришибди.

Экинни экиб, парвариллаб ўстирган деҳқон унинг ҳосил чамасини ҳам билса керак-да!

Айтмоқчи, теримда бу аниқ бўлади-ку...

Б. МИРЗААХМЕДОВ.
Янгйўл.

ИНДОНЕЗИЯ ЖАМОАТ АРБОБЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Партидо партиясининг (Индонезия) Раиси Асмада Хадиди рафиқаси билан ва бу партиянинг бош секретари Асмави Санд Тошкентга келди-лар.

Индонезия жамоат арбобларини 12 сентябрда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. С. Насриддинова қабул қилди. Меҳмонларнинг илтимосига мувофиқ, уларни республиканинг давлат тузилиши, экономика ва маданиятининг ривожланиши билан тағиништирди, ўзбек хотин-қизларининг коммунистик қуришда қандай қатнашаётганликлари тўғрисида сўзлаб берди. (ЎзТАГ).

ТОШКЕНТ МАГИСТРАЛИГА ФАХРИЙ ЕРЛИҚ

Тошкент темир йўли коллективига тантанали вазиятда СССР йўллар министри ва темир йўл транспорти ходимлари касба союзи Марказий Комитетининг фахрий ерлиги топириди. Коллектив қаторасига тўрт квартал давомида СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг кўмақида қизил байроғини кўлда сақлаб келганлиги учун шу мукофотни олишга сазовор бўлди.

Министрликнинг ва касба союз Марказий Комитетининг топиришига мувофиқ, ёрлиқни Ўзбекистон касба союзлари республика советининг раиси С. Н. Нуриддинов топириди.

Айин вақтида йўлнинг, Тошкент бўлини коллективига ҳам шундай ёрлиқ топирилди. (ЎзТАГ).

Қушлар! Улар жуда хилма-хил: туркум ҳам, номлари ҳам, қурини ҳам ажойиб ва ранг-баранг. Ҳаваскорлари эса яна ҳам кўп. Тошкентдаги М. Горький номи маданият ва истироҳат боғида бўлган киши бунинг ёрқин гувоҳи бўлади. Боғда ўтган якшанба кун сайроқи ва ўрта Осиё қушлари вистанаси очилди.

Вистанга, саъва, каллик, тўти қуш, бедана, канарейка, наптарлар ва эгзотик балиқлар қўйилган. Бу жониворларни промерлар саройлари, мактаблар, болалар техника станцияларининг натуралистлари келтиришган. Қуш ҳаваскорларини ёшлар ўртасидаги эмас, барча соҳадаги катта кишилар орасида ҳам учратиш мумкин. Мана, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Павел Максимович Ковтун. Бу киши вистанга 12 хил наптар билан қатнашган. Унинг ўйида тинчлик симболидан 150 таси бор. Жуда ёшлардан қушлар дўсти бўлган Сергей Газаров эса 100 га яқин австрия каллиги, саъва ва бошқа сайроқи паррандаларни боқмоқда. Улар келтирган қушлар ҳаммада катта қизиқниш уйғотди.

Вистанга келган қуш ҳаваскорлари янги зотли, қушлар, уларни боқиш усули билан танишдилар. Ёнг яхши экспонатлар билан қатнашган ҳаваскор натуралист ва коллективларга диплом ва ҳар хил мукофотлар берилди.

Қуш ҳаваскорлари байрами



Тошкентда биринчи марта ўтказилган бу вистанга қуш ҳаваскорларининг катта байрамига айланган бўлди. Суратда: қуш ҳаваскорлари вистанга.

А. Абалин фотоси.

Муҳим қўлланма

Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик фанлари академияси бир гуруҳ олимларининг «Ўзбекистон узумлирининг сановат саройлари» номи асарини нашр этди. Бу китоб агрономлар, ишлаб чиқарувчилар, ўқитувчилар ҳамда ҳаваскор узумчилар учун муҳим қўлланмадир. Китобда Ўзбекистонда овқат учун етиштириладиган узум навларининг морфоло-

гик, агробиологик ва технологияли характеристикаси баён қилиниб, бу навларни танлаш бўйича тавсияномалар берилган. Китобда Ўрта Осиёда етиштириладиган узум навларининг деярлик ҳаммаси, шу жумладан 52 та янги перспектив узум навлари тасвирлаб берилган.

Бу китоб Ўзбек ва рус тилларида босиб чиқарилди. (ЎЗТАГ).

МАКТАБЛАРДАН ДАРАКЛАР

БЕКБОД. Ўтган йили 2-ўрта мактабининг юзори синф ўқувчилари қушни соҳадан 10 гектарга яқин ер ажратиб олиб, ҳар гектаридан 30 центнердан «оқ олтин» етиштиришган эди. Ўқувчиларнинг илтимоси билан бу йил яна 4 гектар ер қўшиб берилди.

Ёш ватанпарварлар гўзаларга сифатли ишлов бердилар, қондириб сугордилар. Ҳозир ёшлар етиштирган пахталар қийос очилмоқда. Ўқувчилар етиштирилган мўл ҳосилни йилги-териб олишга киришдилар. Бу ишларга ўқитувчи М. Тожиев бошчилик қилаётир.

Н. Норбўтаев.

ГУЛИСТОН. Райондаги Фрунзе номи 1-ўрта мактаб янги соғва олди. «Красная зоря» колхозини правление-

си жойлашган бино ўқувчиларга тортиқ қилинди.

Колхоз ҳамда район жамоатчилигининг яқиндан кўрсатган бу ёрдами туфайли мактабда машғуллар бир сменада олиб боришмоқда.

Т. Қўшаматов.

ЧИРЧИҚ. 2-ўрта мактаб устаконалари янги асбоб-ускуна ва дастгоҳлар билан бойитилди. Ўқувчилар устаконаларда қизгин иш бошлаб юбордилар.

Ҳунарманд ўқувчилар томонидан асалаётган турли кўрғазмалар ўқув қуролларининг айримлари шаҳар музейида экспонат сифатида намойиш қилинмоқда.

Шунингдек, шаҳардаги 9-мактаб ўқувчилари тайёрлаган стол ва стуллар ҳам музейга келтирилди.

С. Носиров.

10 минг тонна луб учун

Колхозда ўтган йили 800 гектар ерда каноп ва жут етиштирилиб, ҳар гектаридан 75,5 центнердан кўпоя топирилди. Бир йил ичида гектаридан олинган ҳосил 30 центнерданга кўпайди.

Бу йил ўтган йилги ютқаларни мустаҳкамлаш мақсадида кўп ишлар қилинмоқда. Қузда «сифатли шудор қилинган ерларга колхознинг ўзидан етиштирилган уруғ экилиб, ўсимлик сифатли парвартиш қилинди. Каноп ва жутдан мўл ҳосил етиштирилади. Уримга ҳар йилгидан 8-10 кун эрта киришди. Машиналар ўз вақтида ва сифатли ремонт қилинган эди. Шу туфайли дастлабки кунлардан оқ иш унумли бўлди. Ҳозиргача 228 гектар ернинг канопи ўрилиб, НН-9 машинасида қайта ишланди.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Цой Николай ҳамда Ким Илья ўртоқлар бошлиқ бригадаларда ўстирилган каноп ва жутни кўриб аяқингиз келадилар. Бу бригада ҳар гектардан 170—180 центнердан каноп

ва жут пояси топириш учун кўрашмоқда.

Шу кеча-кундузда колхозда 24 та НН-9 машинаси ишлаб турибди. Бу ерда йилгидан усулида ташкил этилган. Бир гуруҳа колхозчилар канопни ўрадилар, иккинчи гуруҳа ўрилган канопни НН-9 машинасида пешма-пеш поясини шилиб, офтобга ёйиб кетди. Учинчи гуруҳадаги колхозчилар қуриган каноп полларини йиғиштириб, автомашиналарга жойлаб, заводга жўнатдилар. Қолган бўшаган ерлар эса пешма-пеш ҳайдалади.

— Бу йилги ҳосилимиз мўлжалдагидан ҳам ортиқ бўлди, — дейди колхоз раиси ўртоқ Д. Сафаров, — шунинг учун мажбуриятимизни қайта кўриб чиқдик. Мамлакатга камидан 10 минг тонна луб етказиб берамиз.


Қўйи Чирчиқ районидан Сталин номи колхозининг лубкорлари ана шу мақсад йўлида фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

А. НАБИХУЖАЕВ.

СИЛОС МЎЛ, СИГИРЛАР СЕРСУТ БЎЛАДИ

Ўрта Чирчиқ районидан «Полярная звезда» колхозининг аъзолари чорва маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш мақсадида бу йил 7 минг тонна силос бостири мажбуриятини олганлар. Бу суратларда ана шу юксак мажбуриятни бажариш учун олиб борилаётган қураш ўз ифодасини топган.

М. Шевелев фотолари.



Редакциянинг
АВИАФИД

Пахтакорлар учун

Пахта йиғим-терими даврида колхозчиларга қўлай бўлсин учун озиқ-овқат маҳсулотлари бевосита дала шийпонларига олиб бериб сотилади. Бунинг учун махсус транспорт воситалари сафарбар қилинади.

Пахта йиғим-терими бошлангач кетди. 500 минг тонна «оқ олтин» етиштириш учун фидокорона меҳнат қилаётган областимиз пахтакорларига йиғим-терим даврида зарур шартларни яратиб бериш ишига «Ўзбекбирлашув» коллективи ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда.

Пахтакорларини иссиқ ҳамда арзон кийим-кечак ва бошқа зарур буюмлар билан етарли таъминлаш ана шу коллектив зиммасига юклатилган. «Ўзбекбирлашув» 50 мингга яқин пахтали фуфайка ва шим, 150 минг жуфт чарм ва резинка этик, кўп миқдорда иссиқ бош кийими, қўлқоп, жун газлама ва бошқа саноат молларини областимиз колхозларига тарқатди. Коллектив пахтакорлар учун яна бошқа зарур буюмларни юборишга тайёрлаётир.



Совет спортчиларининг ажойиб ғалабаси

РИМДАГИ ОЛИМПИАДА
ЎТИНЛАРИ ТАМОМ БЎЛДИ

РИМ, 11 сентябрь. (ТАСС) Махсус мухбир). Меҳмондўст ва кувноқ Рим ўз меҳмонлари — ер юзидан беш қитъанинг спортчилари билан хайрлашмоқда. Спортчилар XVII Олимпиада ўйинларида — замонамизнинг энг катта спорт мусобақаларида ўз кучларини, элчиликларини ва чидамликларини синашдилар.

Бугун кеңкурун Италия пойтахтидаги энг йirik стадион — «Форум Итало»да Рим Олимпиадасининг расмий суратда қилиниши бағишланган тантанали ва чиройли маросим бўлди. Олимпиада стадионининг байрамларидек безатиш трибуналарига ўз мингдан кўпроқ томошабин йиғилди.

Фанфаралар садолари остида байроқдорлар стадион қўлига чиқарилди. Уларнинг ҳар қайсиси Олимпиадада қатнашган ўз мамлакатининг байроғини кутарган.

Традицияга кўра, байроқлар парадини Греция байроғини кутарган байроқдор бошлаб беради. Трибуналар ёнидан Совет Иттифоқининг байроғи кўтариб ўтилганда стадионда овация бошланади. Римликлар совет спортчиларининг шу Олимпиадада эришган порлоқ муваффақиятларига қойил қолганликларини қизгин изҳор қилдилар.

Байроқдорлар фахрий трибуна олдидан яшил майдонда чиройли ярым доира шаклида саф тортдилар. Фанфараларда Греция гимни ижро этилади ва гимн садолари остида Олимпиада ўйинларининг ватани бўлган шу мамлакатнинг байроғи баланд кўтарилади. Сўнгра бу йилги Олимпиада ташкилотчиси бўлган Италия байроғи ва 1964 йилда Олимпиада ўтказилганда Япония байроғи кўтарилади.

Халқаро Олимпиада комитетининг президенти Э. Брандейж минбарга чиқди ва италий тилида гапирди. Римдаги Олимпиада ўйинларининг ёпиқ деб эълон қилди.

Халқаро Олимпиада комитетининг президенти Э. Брандейж минбарга чиқди ва италий тилида гапирди. Римдаги Олимпиада ўйинларининг ёпиқ деб эълон қилди.

ФУТБОЛ

„Меҳнат“чилар ғалабаси

Ўтган дам олиш кунини марказий «Пахтакор» стадионда мамлакат биринчилиги учун «Б» классда мусобақалашётган «Меҳнат» (Тошкент) футболчилари зона пешқадамларидан бири «Буревестник» (Тбилиси) командаси билан учрашдилар. Ўйин бошланишидан оқ тошкентликларнинг ғалабага бўлган астойдил ҳаракати сезилди. Мана, тўп марказий ҳужум-

чи Фокеева. У дарвозабон Корепов билан яккама-якка келди. Лекин меҳмонлар дарвозабонининг моҳирлиги ҳисоби очил имконини бермади. Ўйиннинг 14-минутда тошкентликларнинг пухта ўйлаб қилган ҳужуми натижа берди. Недељкин узатган тўпни Тогаев рақиблар дарвозасига киритди.

Ўйиннинг иккинчи бўлимида тошкентликлар ҳужуми яна кучайтирилди. Бунда Кузнецов ўрнига майдонга тушган Архиповнинг катта хизмати бор. Архипов ҳужумга бошчилик қилиб, рақиблар штраф майдончаси олдидан бир неча хавфли вазиятлар туғдирди. Ўйин охиригача меҳнатчилар яна иккита тўп киритишга муваффақ бўдилар.

Шундай қилиб ҳисоб тошкентликлар фойдасига 3:0 бўлди. «Меҳнат» футболчилари 24 йилдан 25 очко тўплаб 8-ўринда бормоқдалар.

Ш. УМУРЗОҚОВ,
А. НИМ.

кентликлар ҳужуми яна кучайтирилди. Бунда Кузнецов ўрнига майдонга тушган Архиповнинг катта хизмати бор. Архипов ҳужумга бошчилик қилиб, рақиблар штраф майдончаси олдидан бир неча хавфли вазиятлар туғдирди. Ўйин охиригача меҳнатчилар яна иккита тўп киритишга муваффақ бўдилар.

Шундай қилиб ҳисоб тошкентликлар фойдасига 3:0 бўлди. «Меҳнат» футболчилари 24 йилдан 25 очко тўплаб 8-ўринда бормоқдалар.

Ш. УМУРЗОҚОВ,
А. НИМ.

Халқаро ахборот

СОВЕТ ИТТИФОҚИ ПАРТИЯ — ХУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ВАТАНИГА ЖЎНАБ КЕТДИ

ХАНОЙ, 12 сентябрь. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари Н. А. Муҳитдинов бошчилигида Совет Иттифоқи партия-хукумат делегацияси бугун самолётда Ханойдан ватанига жўнаб кетди.

Делегация Вьетнам Демократик Республикаси ошқилиб топан кунининг 15 йилгига бағишланган тантаналарда ҳамда Вьетнам Меҳнат-кашлар партияси III съездининг ишида иштирок этди.

СОВЕТ ХУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ МЕНСИНАГА КЕЛДИ

МЕХИКО, 10 сентябрь. (ТАСС). СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари Н. Н. Органов бошчилигида Совет хукумат делегацияси Мексиканинг мустақиллиги эълон қилинган кунининг 150 йилгига байрам қилишда қатнашиш учун бугун бу ерга келди.

СОВЕТ ДЕЛЕГАЦИЯСИНING ВДР РАҲБАРЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИ

ХАНОЙ, 11 сентябрь. (ТАСС). Бугун эрталаб Вьетнам Демократик Республикаси президенти Хо Ши Мин ҳузурида совет делегацияси Вьетнам Демократик Республикаси партия ва хукумат раҳбарлари билан учрашди. Учрашувда Вьетнам томонидан Хо Ши Мин, Фам Ван Донг, Чинг Тинь, Во Нгуен Зиап, Нгуен Зуй Чинь, Фам Хунг, Вьетнам Демократик Республикасининг Москвадаги элчиси Нгуен Ван Кинь ҳозир бўлдилар. Совет томонидан Н. А. Муҳитдинов, С. А. Товмоян, К. Н. Гришин ва СССРнинг Вьетнам Демократик Республикасидаги элчиси Л. И. Соколов ҳозир бўдилар.

Сўхбатда Вьетнам Демократик Республикаси билан Совет Иттифоқи ўртасида ўзаро муносабатлар ва ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари, халқаро коммунистик ва ишчи ҳаракати ва халқаро муноса-

батлар масалалари қараб чиқилди. Сўхбат гоёт самимий вазиятда ўтди. Ҳар иккала томон сўхбат вақтида кўтарилган асосий масалалар юзасидан ўз фикрлари тамомилан бир хил эканлигини таъкидладилар. Хо Ши Мин ва Вьетнам Меҳнаткашлар партияси Марказий Комитети Сибей бюросининг бошқа аъзолари Марказий Комитет аъзоларига ва Марказий Комитет Президиуми аъзоларига шунингдек шахсан Н. С. Хрушчевга қардошлик саломини, сиҳат-саломатлик ва ишда энг катта муваффақиятларга эришини истаб изҳор қилинган тилакларни топиришини совет делегациясидан илтимос қилдилар.

Хитой Халқ Республикасининг делегацияси шундан бир кун олдин совет делегациясининг резиденциясига келди. Делегациялар бир қанча масалалар юзасидан фикр олишдилар.

Вьетнам меҳнаткашлар партиясининг III-съезди ўз ишини тамомлади

ХАНОЙ, 10 сентябрь. (ТАСС). Вьетнам меҳнаткашлар партиясининг III съезди бугун ўз ишини тамомлади.

Эрталабки мажлисда съезд Вьетнам меҳнаткашлар партияси Марказий Комитетининг 71 кишидан иборат янги составини, шу жумладан Марказий Комитет аъзолигига 28 кандидат сайлади.

Марказий Комитетнинг янги состави мажлисда партия Марказий Комитетининг раиси қилиб ўртоқ Хо Ши Мин қисқа нутқ сўзлади.

П. ЛУМУМБА БАЕНОТИ

ЛЕОПОЛЬДВИЛЬ, 11 сентябрь. (ТАСС). Конго Республикасининг бош вазирини Патрис Лумумба 10 сентябрда қўйидаги баёноти эълон қилди:

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти вакили Поль Янкуску жабоабарининг бугун тушдан кейин матбуот вакиллари қилган баёнотларини расмий суратда рад этаман. Бу баёнотларга кўра:

1. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан Конго Республикаси марказий ҳукумати ўртасида тузилган битим натижасида бугун Касаида ва Катангада яраш бўғим тузилган.

2. Конго ҳарбий хизматчиларига ички ой мобайнида пул тўланмайд. Ҳукумат бу тўғрида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Леопольдвилдаги вакиллари билан ҳеч қандай сўхбат қилмади.

Айни вақтда мен шунинг таъкидлашгани, ҳукумат ҳарбий хизматчи-

ларга сўнгги ойнинг охиригача муваззам суратда пул тўлаб келди. Армия кадрларининг таъминоти яқинда оширилганлиги муносабати билан тўланиши лозим бўлган суммагина тўланмади. Ҳукумат бундан икки кун муқаддам шу масала юзасидан ҳарбий хизматчилар таъминоти учун 200 миллион франк тўлаш тўғрисида қарор қабул қилди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг фаолияти БМТ вакили ўз бошмачилиги билан қўлланаётган шаклда эмас, балки ҳукуматга ёрдам бериш доирасида олиб борилаётганлиги лозим.

Миллий армия қўшинлари Катангада ўз операцияларини давом эттирмоқдалар, улар катта муваффақиятларга эришдилар. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти мамлакатимизнинг ички ишларига аралашмиш тарихида бу қўшинларнинг ҳаракатларига ҳалақат бермас, улар ўз ишини давом эттириди.

Мен, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти маъмуриларидан республиканинг ички ишига ҳар қандай йўл билан аралашиниш тўғрисидаги яна ўттинчи сўрайман. Ҳукумат тез орада ўз воситалари билан мамлакатга фармойишлар бера бошлайди.

Леопольдвил, 1960, йил, 10 сентябрь, соат 21.

Лумумба.

Редактор З. ЕСЕНБОВЕВ.

ТОШКЕНТИНИНГ ТАКТИКА ЗАМРАДИ

НАВОНИЙ НОМИ ТЕАТРДА — 13/IX да Дилором, 14/IX да Чоно-Чоно-Сан. Кеч соат 8 да бошланади.

Улар ўн тўнчиқ ёшда эдилар — «ИСКРА», «КОМСОМЛ» 30 ИЛИГИ» («СПУТНИК» (кундуз ва кечкурун), қишқи «ВАТАН» (эрталаб соат 10-20 минут, кундуз 12, 2 ва кеч 6 да), ёнги «ВАТАН» (кеч 8 ярим ва 10-20 минутда), КАФАНОВ номи (кеч 8-40 минут ва 10 яримда), СТЕПАН РАЗИН номи (кеч 8-20 минут ва 10 да), ТЕЛЪМАН номи (кеч 8 ярим ва 10-20 минутда), ПУШКИН номи (кеч 9 ва 10-40 минутда).

Шумана корали — «МИР», киши НАВОНИЙ номи. «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечкурун), ёнги НАВОНИЙ номи (кеч соат 8-20 минут ва 10 да), «УДАРНИК» (кеч 8 ярим ва 10-20 минутда).

Капоперскийлик болалар — қишқи НАВОНИЙ номи. «ЎЗБЕКИСТОН» (эрталаб соат 10 да).

Бабетта урушга борди — қишқи «ВАТАН» (кундуз соат 4, кеч 8 ва 10 да), «ИСКРА» (кеч 8-20 минутда), «ФЕСТИВАЛЬ» (кеч 8-40 ва 10-40 минутда).

Юртдан узоқда — «ОКТАБР» (кеч соат 8 ярим ва 10-20 минутда).

Воева йўлдан бошланди — «ПОВЕДА» (кеч соат 9 ва 10-40 минутда).

Калинин район. Сталин номи колхозда турувчи Муясов Ислом-соланин Маталин мазву кўча, 99-ўйда турувчи Исроил Исмаиловдан ажралиш ҳақидаги иш Тошкент шаҳар, Киров район халқ судида қўрилди.

ТОШКЕНТ ТАМАКИ ФАБРИКАСИГА

папирос-набия, гильза, сигарета ва укладка агрегатлари машинисталари шогирдчилигига 18 дан ёш бўлмаган

ХОТИН-ҚИЗЛАР,

шунингдек бир йиллик ФЗО мактабидан ўнча агрегатларнинг машинисталари касбига ўрганиш учун камида 7-синф ҳажмида маълумотли, 17 дан ёш бўлмаган

ХОТИН-ҚИЗЛАР
к е р а к

Ўқувчилар ётоқ, овқат ва stipендия билан таъминланади. ФЗО мактабининг адреси: Чингай кўча, 2-тулик, 70-уй.

ЎЗБЕКИСТОН ТРАКТОР ИГЎВ ЗАВОДИГА

токалар керак

Меҳнат ҳақи ишбай асосида тўланади.

Тошкент шаҳар, Уста Ширин кўчаси, 117-ўйда кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин (10, 11-автоскоп, 6-тролейбусда борилади).

Ўрта Осиё гидрометеорология илмий-текшириш институти институтининг илмий ходими

Жалол Фузалович АФЗЛОВНИНГ

бевақф вафот этганлигини билдириб, марҳумнинг оиласига чуқур таъзия изҳор қилади.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («Ташкентская правда») — орган Ташкентского обкома и горкома Коммунистической партии Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.